O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 11 октябрь, № 201 (4354) Пайшанба




## ЎН САККИЗ ТУРДАГИ ТАБИИЙ СУТ МАҲСУЛОТИ

**тайёрлаётган «Бўстонлиқ сут» қўшма корхонаси жамоаси маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига истеъмол бозорини тўлдиришга ҳисса қўшмоқда.**



*Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхона цехларидаги манзара баҳри-дилингизни очади. Асосий жараёнлар автоматлар зиммасига юклатилган. Бу ерда ҳар куни 60 тоннагача сут қайта ишланаётгани фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Абдулҳай Жалиловнинг айтишича, аҳоли ва ташкилотларга кунига кефир, қатиқ, қаймоқ, сметана, творог ва пишлоқ каби 18 турдаги табиий сут маҳсулоти етказиб берилмоқда. Бу маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги юқори. Қўшма корхона жамоаси халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, диплом ва сертификатларни қўлга киритгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.*

**СУРАТЛАРДА:** оператор Ҳусниёр Ҳаитметов; сутни қайта ишлаш цехининг умумий кўриниши.

**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2007 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 13 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2007 йил 13 октябрь мамлакатимизда Рамазон байрамининг биринчи куни сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 10 октябрь

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

***Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида замонавий болалар шифохонаси фойдаланишга топширилди.***

## БОЛАЛАР СОҒЛИҒИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мазкур муассасанинг очилишига бағишланган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ капитал таъмирланган ушбу шифохона мутлақо янгича қиёфа касб этди.

Шифо масканида юзга яқин малакали тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Бу ерда чақалоқлар патологияси, реанимация, жарроҳлик каби бўлимлар, махсус лаборатория, шифокорлар учун ўқув хонаси ва ошхона ишлаб турибди.

Шифохонанинг тиббий хизмат кўрсатиш хоналари ва ихтисослик кабинетлари сўнгги русумдаги компьютер техникаси ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

***Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси***

**84 фоизни ташкил этмоқда.**

Истиқлол йилларида ҳукуматимиз томонидан юртимиз аҳолиси, аввало, қишлоқ жойлардаги одамларнинг турмуш шароитини яхшилашга доир амалий чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётгани, жумладан, ҳудудларда 36 минг километрлик сув қувурлари ишга туширилгани мазкур ютуққа эришишда асосий омил бўлди.

***Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли Минерал ресурслар институтида геология ва минерал хом ашё базасини ривожлантириш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бошланди.***

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Геологлари миллий қўмитаси томонидан Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон, Буюк Британия, Германия, Австрия, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлардан ҳам етакчи мутахассислар иштирок этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н. Мавлонов, Навоий кон-металлургия комбинати бош технологи С. Руднев ва бошқалар юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида табиий қазилма бойликларни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш, бу борадаги илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар. Амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли мамлакатимиздаги фойдали қазилма майдонлари сони ва тури кўпаймоқда. Жумладан, республикамизда бугунги кунда 72 турдаги хом ашёни ўз ичига олган 1,5 мингга яқин фойдали кон аниқланган.

Республикамизда қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва қурилиш индустрияси корхоналарининг минерал хом ашё базасини яратиш ҳамда кенгайтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 17 январда эълон қилинган "Геология-қидирув ишларини ташкил қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

— Юртимизда истиқболли ҳудудларни аниқлаш ва уларнинг геологик потенциалини баҳолаш, геология-қидирув ишларининг замонавий усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли Минерал ресурслар институти директори Бахтиёр Исохўжаев. — Бугунги кунда юртимизда, айниқса, саноат аҳамиятига эга минерал хом ашё базасини ривожлантириш, рудали ҳудудларни тадқиқ қилиш, захираларни аниқлаш ва геология-қидирув ишларига замонавий технологияларни жорий этиш устувор вазифалардандир. Бу, ўз навбатида, соҳа илм-фани ва олимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Шу боис, мазкур анжуман нафақат юртимиз, балки хорижлик олимларнинг ҳам бу борадаги изланишлари, кашфиётлари ва хулосаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Икки кун давом этадиган анжуманда мамлакатимиз ва жаҳонда геология ҳамда минерал ресурслар соҳасидаги вазият таҳлилига бағишланган қатор маърузалар тингланади. Бу борада эришилаётган ютуқлар ва мавжуд муаммоларнинг ечимлари хусусида фикр алмашилади. Шунингдек, соҳада истиқболли режаларни ишлаб чиқиш, амалиётга изчил татбиқ этиш, бунда хориждаги етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар атрофлича таҳлил этилади.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Санақулов сўзга чиқди.

***Жасур КЕНГБОЕВ, ЎзА мухбири.***

*Транспорт ва Логистика:*

## САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ




Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Транспорт ва Логистика — Trans Uzbekistan — 2007" тўртинчи Халқаро Ўзбекистон кўргазмаси иш бошлади. Унда Австрия, Италия, Германия, Эрон, Россия, Қозоғистон, Эстония, Ўзбекистон каби давлатларнинг 20 дан зиёд фирма ва компаниялари ўзларининг юқори технологиялари, инновациялари, турли транспорт воситалари, контейнерда юк ташиш, ахборот-логистика тизимига оид сўнгги янгиликлар ва хизмат кўрсатиш турларини намойиш этмоқда. Айтиш жоизки, иштирокчилар орасида Россия темир йўллари компанияси, Россия контейнер оператори - "Трансконтейнер", Трансмашхолдинг", "Евросиблогистика", шунингдек, "Die Port Trans" (Эстония), «Express Italia — Rail Cargo Austria» (Австрия-Италия) каби дунёга машҳур компанияларнинг иштирок этаётгани кўргазма нуфузи ошаётганидан дарак беради.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Тошкентда Халқаро транспорт ва логистика кўргазмасини ўтказиш анъанага айланиб бораётгани, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, шу жумладан, ушбу соҳадаги ижобий ўзгаришларнинг натижасидир, дея таъкидладилар. Ўзбекистонда йўл-транспорт, коммуникация тармоқларини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташиш тизимларини янада такомиллаштириш борасида комплекс тадбирлар ишлаб чиқилгани, улар амалда ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Мисол учун, сўнгги етти йил давомида иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган мазкур тармоққа йўналтирилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми қарийб 550 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Бундан ташқари, 202 км. узунликда янги йўл қурилди, 4 027 км. йўл капитал ва 10 368 км. йўл эса жорий таъмирланди. "Аср қурилиши" деб ном олган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" янги темир йўли ишга туширилди. Эътиборлиси, ҳозирга келиб, 4 минг км.дан зиёд узунликдаги темир йўлимиз халқаро талабларга жавоб берадиган даражага етказилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 2010 йилга бориб, мамлакатимизнинг ички йўловчи ва юк ташувчи транспортлар оқими 60-70 фоизга, халқаро ва транзит йўлларда эса ўртача 45-55 фоизгача ўсади.

Ушбу кўргазма компаниялар ўртасида йирик транспорт-коммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш, божхона ва логистика тизимларини ривожлантириш каби масалаларда минтақалараро кооперацияни кенгайтириш бўйича халқаро иқтисодий алоқаларни ўрнатишда самарали восита бўлиб хизмат қилади. Кўргазмада автомобиль, темир йўл, денгиз ва дарё транспорти, юк ташиш, логистика, курьерлик ва ахборот хизмати, юк транспорти ускуналари, портлар ва терминалларга оид бўлимлар ишлаб турибди.

Кўргазманинг биринчи иш кунида томонлар ўртасида тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш бўйича кўплаб битим ва аҳдлашувларга эришилди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

## «ДИНЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ»

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида тинчлик йўлида динлараро ва маданиятлараро ўзаро тушуниш ҳамда ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан БМТ Бош ассамблеясининг юқори даражадаги мулоқоти доирасида «Динлараро тотувлик ва маданиятлараро мулоқот: Ўзбекистон тажрибаси» мавзуига бағишланган конференция бўлиб ўтди.*

Конференциянинг очилишида БМТ Бош ассамблеяси 62-сессияси раиси вазифасини бажарувчи Ҳамид ал-Баётий, Бош котиб ўринбосари — БМТ етакчиси офиси раҳбари В. Намбиар ва БМТнинг бошқа юқори мартабали расмий вакиллари, БМТ ҳузуридаги аъзо-давлатлар дипломатия миссияларининг раҳбарлари, шунингдек, АҚШнинг академик, таҳлилий ва ижтимоий-маданий доиралари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари эътибори жамиятда динлараро ва маданиятлараро тотувлик, бағрикенглик ва сабр-тоқат, эзгулик ва меҳрибонлик каби фазилатларни мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон олиб бораётган давлат сиёсатининг асосий устувор жиҳатлари ҳамда тамойиллари ҳақидаги маълумотларга қаратилди.

Республика раҳбарияти мамлакат мустақиллигининг илк кунлариданоқ динлараро ва маданиятлараро тотувлик масаласини давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олгани таъкидланди. Ана шундай ёндашув туфайли Ўзбекистон жамияти бугун маданий хилма-хиллик ва бағрикенгликнинг ноёб намунаси ҳисобланади. Тинчлик ва тотувлик, фуқаролар ҳамжиҳатлиги, диний сабр-тоқат, жамият ҳаётида турли маданиятлар вакилларининг тенг ҳуқуқли иштироки — замонавий Ўзбекистоннинг ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатларидир. Мустақиллик йилларида шаклланган миллий сиёсат асосида айнан ана шундай тамойиллар мужассам.

Тадбир иштирокчилари эътибори Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илм-фани олдидаги ҳамда ёдгорликларни сақлаш ва ислом меросини бойитиш борасидаги буюк хизматлари учун 2007 йилда Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг жаҳон ислом маданиятининг пойтахти, деб эътироф этилганига қаратилди.

АҚШ академик ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари ўз маърузаларида Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон кўп асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилгани хусусида атрофлича фикр билдиришди. Ўзбек халқининг Ибн Сино, Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Абдухолиқ Ғиждувоний каби бутун дунёга машҳур вакиллари нафақат жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига, балки цивилизациялараро мулоқот ва жаҳон халқлари ўртасида ўзаро тушуниш кайфиятларини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшганлар.

Америкадаги Ратгерс ҳамда Фордхам университетларининг профессори, «Global Scholarly Publications» халқаро ташкилоти директори, диншунос олим ва шарқшунос П. Морвидж ўз маърузасида Ўзбекистон ҳудудида турли диний ва маданий анъаналарнинг бир-бирига уйғун равишдаги тинч-тотув ҳаётининг кўп асрлик тарихини аниқ мисоллар асосида очиб берди. У «Кўҳна Ўзбекистон замини жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири», деб таъкидлади. Шунингдек, «Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бу ҳудудда ноёб маданий-диний уйғунлик юз берган. Замонавий Ўзбекистон ҳудудида бу анъананинг ривожланиши давом этмоқда», дея қайд этди у.

Америкалик олим республика раҳбариятининг мамлакатда динлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолади.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Коллеж — қишлоқнинг кўрки

■ Янги коллеж биноси Ғузор туманидаги Қоратикан қишлоғининг кўркига-кўрк қўшди. Уни «Ғузор-Ф» масъулияти чекланган жамияти жамоаси қисқа муддатда бунёд этди. Қурувчиларнинг саъй-ҳаракати туфайли шу йилнинг саккиз ойи мобайнида 1 миллиард 573 миллион сўмлик иш бажарилди.

595 ўқувчига мўлжалланган бу таълим масканида, асосан, ахборот технологиялари бўйича мутахассислар тайёрланади. Туман ҳудудида нефть-газ саноатининг иккита гиганти — «Шўртаннефтгаз» унитар шуъба корхонаси ва Шўртан газ-кимё мажмуи жойлашганлиги ҳисобга олиниб, нефть ва газни кимёвий қайта ишлаш соҳаси учун зарур мутахассислар етиштиришни йўлга қўйиш ҳам мўлжалланмоқда.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хизматидан эл манзур

***Андижон туманида янги нон цехи иш бошлади. Бу ерда тайёрланаётган тансиқ нонлар тумандаги тўққизта қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги савдо дўконларига етказиб берилмоқда.***

■ Оқёр, Қўшариқ, Найман қишлоқларидаги мактабгача тарбия муассасалари, шифохоналар ҳам ушбу цех мижозига айланди.

«Жалақудуқулгуржимевасабзавот» акциядорлик жамияти қошида эса бир кеча-кундузда 500 килограмм макарон ишлаб чиқарадиган цех ва қолипли нон чиқарувчи новвойхона очилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Меҳр бахш этган қувонч

***Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган автобуслардан яна 3 таси Сурхондарё вилоятидаги таълим-тарбия муассасаларига етказиб берилди.***

■ Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйида, асосан, қаровсиз қолган, меҳрга муҳтож, кемтик кўнгилли ўғил-қизлар таълим-тарбия олишади. Бу ерда тарбияланувчилар турли миллат фарзандларига мансуб бўлсалар-да, мурғак қалбларда шаклланган ўзаро дўстлик, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатлар уларнинг бир оила фарзандларидек иноқ ва аҳил ҳаёт кечиришларининг бош омилига айланган. Энг муҳими, ушбу масканда болажонларни нафақат замонавий билимлар билан қуроллантириш, балки уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, зарур кўникма ва малакаларга эга бўлиб вояга етишларини таъминлаш педагогик жамоа фаолиятининг асосини ташкил этмоқда.

Янги автобуснинг Меҳрибонлик уйига совға қилиниши бу ерда тарбияланаётганларнинг қувончига-қувонч қўшди.

Шўрчи туманидаги 68 ва 122-сонли махсус-мактаб интернатлар тарбияланувчилари учун ҳам автобуслар совға қилинган кун ҳақиқий байрамга айланди.

**Г. САИДМАЛИКОВ.**

### Ҳам сифатли, ҳам хуштаъм

***Абдулла ака Зокирёевнинг асл касби — технолог. Узоқ йиллар давомида консерва заводида ишлаган.***

■ Бугунги кунда у Самарқанд туманидаги «Зокирёев Абдулла» хусусий корхонасига раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда ҳар ҳафтада 500 килограммгача колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Унинг маҳсулотлари сифатлилиги, хуштаъмлиги билан аллақачон тилга тушган. Ҳозир эса тадбиркор корхонани янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш йўлларини изламоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кўрик-танлов якунланди

■ Бухоро шаҳрида мамлакат Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган «Намунали патруль-пост хизмати саф бўлинмалари» ҳамда «Намунали патруль-пост хизмати аълочи милиционери» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Биринчи йўналиш ғолиблиги Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли патруль-пост хизмати батальонига насиб этди ва унга «Дамас» русумли енгил автомашина берилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари иштирок этган «Намунали патруль-пост хизмати аълочи милиционери» кўрик-танлови эса касб маҳорати синови вазифасини ўтади. Унда Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ходими М. Юзбоев биринчи ўринни эгаллади.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Келажакка ғамхўрлик

**Хоразм вилояти Адлия бошқармасида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни комил инсонлар этиб тарбиялашда оила ва ўқув масканлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг вазифалари хусусида сўз борди. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шароит яратиш, саломатликларини доимий назорат қилиб бориш муҳимлиги таъкидланди.**

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ДИНЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Тинчлик ва барқарорлик сақланиши, мамлакатдаги 130 дан ортиқ турли миллат ҳамда элатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик туйғулари, ўзаро ҳурмат ва уйғунликнинг таъминлангани Президент Ислом Каримов бошчилигидаги чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган сиёсатнинг маҳсулидир. Бинобарин, мамлакат мустақиллигининг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда мавжуд барча дин ва маданиятлар маънавий қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда юксалтириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралди. АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари Конгресси президенти Б. Кандов конференциядаги маърузасида «Турли маданият ва динларнинг вакиллари азал-азалдан ўзаро баҳамжиҳат ва тинч-тотув истиқомат қилиб келаётган кўҳна Ўзбекистон замини, том маънода, жаҳон маданиятлари ва цивилизациялари кесишган чорраҳа ҳисобланади», дея урғу берди. У динлараро тотувликни таъминлаш борасида Ўзбекистон раҳбарияти қабул қилаётган изчил чора-тадбирларни юксак баҳолади. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон жамияти маданий хилма-хиллик ва бағрикенгликнинг ноёб мисоли сифатида жаҳон ҳамжамияти учун улкан аҳамият касб этмоқда.

Америкада истиқомат қиладиган туркистонликлар ассоциацияси президенти А. Хожа фикрига кўра, давлат томонидан барча динларнинг маданий-тарихий ўзига хосликлари ва анъанавий қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга бир хилда эътибор кўрсатилаётгани Ўзбекистоннинг алоҳида ажралиб турадиган қирраларидандир. Унинг сўзларига кўра, «турли диний конфессияларнинг бир меъёрда ва тўлақонли фаолият юритиши учун Ўзбекистондагидек шароит жаҳоннинг кўп мамлакатларида мавжуд эмас».

Унинг таъкидлашича, динлараро ва маданиятлараро мулоқот маъносида Ўзбекистонни ҳақли равишда жаҳоннинг энг бағрикенг жамиятларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин.

А. Хожа Президент Ислом Каримовнинг дўстлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, маданиятлараро ва динлараро мулоқотни мустаҳкамлаш юзасидан олиб бораётган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади. Жумладан, маърузачи Ўзбекистоннинг маърифий исломни юксалтириш бўйича интилишларини қутлади. «Тошкентда Ислом университетининг бунёд этилгани ва талабаларга нафақат диний, балки бошқа илмий-гуманитар фанларнинг ўқитилаётгани бу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин мисолидир».

Динлараро ва маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги ҳақида якдил фикр изҳор этилган ушбу конференция унинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

БМТ Янгиликлар маркази мазкур конференцияга «Ўзбекистон динлараро ва маданиятлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш борасидаги ўз тажрибасини ўртоқлашмоқда» сарлавҳали алоҳида ахборот материалини бағишлади.

**«Жаҳон» АА.**
**Нью-Йорк.**

## БОЛАЛАР СОҒЛИҒИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА





(Давоми. Боши 1-бетда).

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Жанубий Кореянинг бир қатор жамғарма ва компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Ушбу муассасани фойдаланишга топширишда ҳам Жанубий Корея Соғлиқни сақлаш жамғармасининг кўмаги катта бўлди. Шунингдек, шифокорларимиз корейалик ҳамкасблари билан ҳамкорликда туғма нуқсони бўлган болаларни жарроҳлик усулида даволамоқда. Ҳозиргача 15 нафардан зиёд ўғил-қиз операцияси муваффақиятли амалга оширилди.

— Туманимиз аҳолисининг қарийб ўттиз фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, — дейди шифохона бош врачи Турсунбой Каримов. — Илгари беморлар ташхис қўйиш ва даволаниш учун пойтахтга боришга мажбур бўлишарди. Эндиликда бундай оворагарчиликларга ҳожат қолмади.

— Ўғлим Нишонбекнинг танглайида нуқсони бор эди, — дейди Олмалиқ шаҳридан келган Ойсафар Кенжаева. — Мазкур муассаса шифокорлари кўмагида ўғлим бу дарддан қутулиб, кун сайин соғайиб бормоқда. Бундан, юртимизда барча қулайликларга эга шифохоналар кўпайиб бораётганидан, мушкулимиз осонлашаётганидан мамнунман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**
Е. БОТИРОВ олган суратлар.

*Темир йўл транспорти:*

## ЧИПТА НАРХИ ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти томонидан «Тошкент-Бухоро-Тошкент» ҳамда «Тошкент-Самарқанд-Тошкент» йўналишлари бўйича қатнайдиган тезюрар поездларда йўловчиларга мажбурий тарзда баъзи қўшимча сервис хизматлари («Ҳамроҳ» ва «Кросс» газеталари, «Регистон экспресс» ва «Шарқ экспресс» буклетлари, салфеткалар, нонушта ёки тушлик ҳамда чанқовбосди ичимликлар)нинг нархлари чипта баҳосига истеъмолчиларнинг хоҳиш-истагига қарамасдан ёки уларни хабардор этмасдан киритилиб, сотилаётганлиги ҳақида норозилик мурожаатлари келиб тушди.

Мазкур ҳолат қўмита томонидан тез-

### ▼ Истеъмолчи ҳуқуқи

кор равишда атрофлича ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, қўшимча хизматлар учун чипта баҳосига ўртача 2450 сўмдан 7300 сўмгача қўшилган. Мисол учун, «Тошкент-Бухоро-Тошкент» йўналишидаги «СВ» вагонида чипта баҳоси 30666 сўм бўлиб, қўшимча хизматлар учун 7300 сўм нарх киритилиши натижасида чиптанинг нархи 37966 сўм этиб белгиланган. Бу ҳолат «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4 ва 21-моддалари бузилишига олиб келган, яъни, истеъмолчи томонидан хизматни эркин танлаш ҳуқуқи чекланган ҳамда ижрочи истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташ ҳолати юзага келган.

Қўмита томонидан «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖга қонунбузилиш ҳолатлари тўхтатилиши юзасидан, жумладан, қўшимча сервис хизматларининг нархлари чиптанинг қийматига қўшилиши фақат йўловчининг хоҳишига кўра амалга оширилиши, шунингдек, темир йўл компаниясига қарашли барча темир йўл кассалари ҳамда вокзалларида йўловчилар учун кўрсатилаётган барча хизматлар, хусусан, қўшимча сервис хизматлари борасида тўғри ва тўлиқ маълумот осиб қўйилиши, ушбу маълумотда чиптанинг асосий нархи ва қўшимча сервис хизматлари нархлари алоҳида кўрсатиб ўтилиши тўғрисида кўрсатма берилди.

**Қўмита матбуот хизмати.**

*23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

## Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

*Мамлакатимизда яшаётган аҳолининг ярмидан кўпроғи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш, аниқроғи, сайлаш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан уларнинг аксарияти мамлакат ҳаётида муҳим сиёсий воқеа ҳисобланган сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга катта қизиқиш билан қарамоқда ва таҳририятга ўз саволларини жўнатмоқда.*

**Бугун газетхонларимизнинг сайлов мавзусидаги саволларига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон АДИЛОВ жавоб беради.**

***— Участка сайлов комиссияси қандай ваколатларга эга?***

— «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссияси участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади, сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда тегишли ўзгартиришлар киритиш масаласини ҳал қилади, сайлов куни ўзи яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилади, сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилади, сайлов куни сайлов участкасида овоз берилишини ташкил этади, сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади, шунингдек, бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

***— Мен бошқа одам учун ҳам овоз берсам бўладими?***

— "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасида бу саволга аниқ жавоб кўрсатилган. Унда, жумладан, ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди, дейилади. Шунингдек, сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз фамилияси рўпарасида имзо чекади.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога келмаганлиги ҳақида участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

***— Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари қай тарзда амалга оширилади?***

— "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига асосан, сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фуқароларга хоҳиш-иродани эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратадилар.

Сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини назорат этишга йўл қўйилмайди.

### Экспорт тўрт баравар ортди

**Қувватлардан фойдаланиш самарадорлигининг ортиши «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамияти иш маромига барқарорлик бахш этмоқда.**

Кимё, табиий газ, энергетика ва нефть саноати учун зарур бўлган жиҳозлар ишлаб чиқараётган корхонада жорий йилнинг тўққиз ойида бир миллиард 166 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 331 миллион сўм кўп, демакдир. Эътиборли жиҳати шундаки, машинасозлар қўлидан чиқаётган чўян сурма қопқоқларга жаҳон бозорида ҳам талаб катта. Айни паллада мазкур жиҳознинг 12 тури Россия ва Украина давлатларига экспорт қилинаётир. Йил бошидан буён хорижий ҳамкорларга жўнатилган маҳсулот миқдори 147,1 минг АҚШ долларидан ортиб, 2006 йилнинг шу даврига нисбатан тўрт баравар ўсишга эришилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Сабр-қаноат кишини қудратли ва мағрур қилади, сабрсизлик, яъни ношукрлик эса кишини ожиз бандага айлантириб, зорланиш дардига йўлиқтиради. Бундай одамлар олдида тўкин дастурхон турса ҳам, фақат йўқчиликдан гапиради.***

## ҲАР ЖОЙИНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

**Б**аъзан биз ҳам шундай одамларга рўбарў келамиз. Албатта, зорланиш бошланганида жим туролмаймиз. Тўғри, қийинчилик бор, йўқ эмас, бироқ дўкон ва бозорларимиздаги тўкинчиликни, мўл-кўлчиликни, қовун-тарвуз ва мева-чеваларнинг арзонлигини кўрмаяпсизми, десангиз зорланувчидан балога қоласиз. «Бошқалар биздан яхшироқ яшашяпти-ку», дейди осмондан келиб. «Нимаси яхшироқ?» сўрайсиз беихтиёр. «Иш ҳақи кўп экан», дейди у, бир қўшни давлатнинг номини тилга олиб. Босиқлик билан сўрайсиз: «У ерда нарх-наво қандайлигини биласизми?» «Билмайман!..» дейди у тўмрайиб. «Билмасангиз, билиб олинг, сиз бу ерда килосини 300-400 сўмдан сотиб олаётган помидорнинг нархи у ерда бизнинг пулга ҳисоблаганда икки минг сўм, биздаги 400-500 сўмлик узум ҳам у ерда икки минг сўмдан ошади. Ўзимизда ширин-шарбат Мирзачўл қовунининг ҳар донасини 500-800 сўмдан оласиз, у ерда уч-тўрт минг сўмдан арзон қовун йўқ. Бошқа мевалар ҳам биздагидан беш-олти баравар қиммат, яна топсангиз оласиз. У ердагилар деҳқончилик маҳсулотлари, асосан, биздан боришини кутиб ўтиришади», деб тушунтирсангиз, саросимадаги зорланувчи сал ҳовуридан тушгандай бўлади.

Зеро, сабрсиз ва ношукр кишилар турли миш-мишларга, иғво ҳамда фисқу фасодларга ишонадилар. Худди миссионерларга ўхшаб иғвогарлар ҳам оддий ва содда халқнинг орасида иш олиб борадилар. Бунинг учун улар, асосан, ҳаётда қийинчилик кўрган ва кам таъминланган оилаларни танлайдилар. Хўш, иғво тарқатувчилар кимлар дерсиз?! Улар ҳаётда ўз мақсадларига, яъни, катта бойликка ва мансаб-мартабага эриша олмаганлар ёки эгаллаб турган лавозимларидан ажраб қолганлар, тамагирлик орқасида бойлик орттира олмаганлардир. Улар ҳаётда ҳалол-пок меҳнати орқасидан тирикчилик ўтказаётган, ҳамма нарсага ишонувчан оддий ва содда одамларга таъсир кўрсатиш билан бузғунчилик қилар эканлар, аламзадалик, ғаразгўйлик ва ҳасадгўйлик дардларини гўё енгиллатган бўладилар.

Бироқ давраларда мен бир ҳолатни кузатдим. Ёшлари улуғ, иймон-эътиқодли, донишманд, босиқ-вазмин, ўтмишини яхши биладиган, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай синовларни шукроналик билан енгадиган инсонлар иғвогарларнинг сўзларига ишонмайдилар. Қайтага улар иғвогарларни мулзам қилишади.

Давралардаги мунозара ва тортишувлар мавзуси турлича. Кўпинча иқтисод ва халқнинг турмуш даражасига эътибор қаратилгани ҳолда ташқи сиёсат, халқаро ҳаёт, динга муносабат, маънавият ва миллий қадриятларни англаш ва идрок этишда ҳам мунозаралар бўлиб туради. Бироқ ҳаммасида битта нарса — ношукрлик кўзга ташланади. Кимдир мустақил ташқи сиёсатимиздан кир қидирса, кимдир сиёсатдек нозик санъатнинг моҳиятини тушуниб етмайди. Кимдир Яқин Шарқдаги мураккаб вазиятни бир томонлама талқин қилса, кимдир ташқи ғаразгўй кучларнинг мақсадини англаб етмайди. Кимдир динни демокра-

### ▼ Шукроналик

тияга қарши қўйса, кимдир Ғарбнинг турмуш тарзини миллий қадриятлардан устун қўяди. Бироқ барибир гап айланиб-айланиб турмушнинг машаққатларию ҳаётнинг қувонч ва ташвишларига бориб тақалади. Бунда, айниқса, жавоблардан кўра саволлар кўпроқ бўлади. Шунда саволларга жавоб излаш ва ҳаётий хулоса чиқариш учун таъсирчан саъй-ҳаракатлар қилиш менга ҳузур бағишлайди. Нафақат тушунмаганларга тушунтира олишга эришиш, балки атайлаб тушунишни истамайдиганларда ҳам ўзларининг олдинги фикрларига нисбатан шубҳа-гумон уйғотишнинг ўзи катта гап. Бунда бугунги ҳаётдан олинган мисоллар асос бўлади.

Яқинда мен бир даврада четга чиқиб ишлаб пулга ботиб қолаётганлар ҳақидаги сафсатанинг гувоҳи бўлдим. Ундан сал олдин «Би-Би-Си» мухбири қўнғироқ қилиб, у ҳам шунга ўхшаган савол билан мурожаат қилди. Эҳтимол, шундайлар бордир. Баъзи бировлар бойиб келаётгандир. Бироқ четга чиқиб, ишлаб пул топиб келаман деб, дом-дараксиз бўлиб кетаётганларни ҳам, борган жойларида уйланиб қолаётганларини ҳам эшитдик. Аёллари эса бу ерда бошқа турмуш қуришди. Ёш гўдаклар ўгай ота ёки она қўлида қолишди. Айтинг-чи, бундай ҳаёт кимга керак?!

Ҳамма ерда тошу тарози борлигини мен узоқ юртларда ҳам кўрдим. Ҳисоб-китобсиз ҳеч нарса йўқ. Ўндан ортиқ хорижий давлатларда бўлдим. Юз сўмга бир чойнак чой олиб ичиш фақат бизда бор. Хорижда меҳмонхона ҳисобидан фақат бир стакан чой берилади, иккинчиси ва ундан кейингиларига ўз ҳисобингиздан тўлайсиз. Буёғи фалон долларга айланишини билсангиз, ҳўплаган чойингиз ҳам томоғингиздан ўтмай қолади! Бизда кўп қаватли уйларда ҳамда ҳовлиларда жўмракдан оқиб турадиган тоза ичимлик сув хорижда савдо дўконларида сотилади. Биз бўлса у билан томорқа суғорамиз. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрайлик.

Орамизда шундай одамлар борки, улар умрида бирон марта ҳам четга чиқишмаган, бошқаларнинг ҳаётини билишмайди, фақат миш-мишларга ишонишади, бироқ биздан бошқалар жуда яхши яшаётганлари ҳақида сафсата сотишда ҳеч кимга сўз беришмайди. Ҳатто, кўриб келганларнинг сўзларини ҳам инкор этишади. Оммавий ахборот воситаларининг хабарларини тан олишмайди.

Ҳақиқатни ойдинлаштириб, ана шундай одамларни тўғри йўлга солишда турли давралардаги суҳбат, мунозара ва тортишувларнинг аҳамияти катта. Охир-оқибатда ижобий натижа берадиган қизғин ва қизиқарли мунозара бир қолипга тушиб қолган, зерикарли йиғилиш ҳамда семинар-кенгашда ўқиладиган одатдаги маърузадан афзал. Чунки фикрни эркин ва таъсирчан ифодалашда, муносабатни очиқ баён қилишда мунозаранинг имконияти чексиз. Айниқса, турли ёшдаги, савиядаги, дунёқарашдаги, хулқ-атвордаги одамлар билан мунозара қилсангиз, нимадир олиш билан бирга, кимгадир нимадир бериш ёки кимнидир асл ҳақиқатга ишонтириш билан эзгуликка хизмат қилган бўласиз.

**К**ўнгилдаги гапни айтсак, бизнинг шаҳар ва қишлоқларимизни, ҳаётимизни, миллий ошхонадан лағмон олиб, тановул қилиш, тандирдан узилган иссиқ нон билан бир чойнак кўк чой ичишнинг гаштини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Ибн Сино бобомиз айтганидек, бир шингил ҳусайнини иссиққина обинон билан ейишга нима етсин. Миллий дастурхонимизнинг, тўкин-сочин бозорларимизнинг, меҳмоннавоз халқимизнинг садағаси кетсанг арзийди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Австралияда кучли довул



Австралия қирғоқларига кучли довул келиб урилди.

Натижада, мамлакатнинг Жанубий Уэльс ва Квинсленд штатларидаги 10 мингга яқин хонадон электр таъминотидан узилиб қолди. Маҳаллий метеорологларнинг билдиришича, кучли ёмғир ҳамда довул туфайли Кулангатта ва Твид Хедс шаҳарлари марказий кўчаларини сув босган. Ҳозирча вайронагарчиликлар ва жабр кўрганлар ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. Айни пайтда табиий офат юз берган ҳудудларда қутқарув ишлари олиб борилаяпти.

## Илмий кенгаш хавотири

**Пентагон АҚШдаги барча шифохоналар ва тадқиқот марказларидан рентген ускунасини йиғиб олиш таклифи билан чиқмоқда. Пентагон Илмий кенгаши мазкур дастгоҳ ёрдамида қўлбола бомба ясаш мумкинлиги ҳақида огоҳлантираётир, дея хабар беради «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги. Бироқ Илмий кенгаш вакили бу ҳақдаги барча тафсилотларга ойдинлик киритишдан бош тортди.**

## Сутдан оммавий заҳарланиш

**Ставрополь ўлкасида оммавий заҳарланиш ҳолати қайд этилди. Айни пайтга қадар 717 киши (шундан 654 нафари болалар) шифохоналарга ёткизилган. Кисловодск ва Лермонтов шаҳарларида инфекция кенг тарқалиши кузатилмоқда. Дастлабки тахминларга қараганда, «Вита» компанияси ишлаб чиқарган сут маҳсулотлари аҳолининг оммавий заҳарланишига олиб келган.**

## Жангариларга тўсиқ



Туркия ҳукумати парламентга мурожаат қилиб, мамлакат ташқарисида ҳам курд жангариларига қарши ҳарбий амалиётлар ўтказишга рухсат беришини сўради. Сўнгги кунларда айирмачи Курд ишчилар партияси жангарилари ҳужуми оқибатида 15 нафар ҳарбий ҳалок бўлган. Манбада айтилишича, Туркия армияси Ироқдаги курдлар яшайдиган аҳоли ҳудудларига бостириб киришга тайёргарлик кўрмоқда. Турли ахборот агентликлари хабарларида келтирилишича, айни пайтда мамлакатнинг Ироқ билан чегара ҳудудида икки юз минг нафар турк аскари турибди.

## Экспортга рухсат берилди



Молдова Россияга яна вино экспорт қилишни бошлади. «Молдова Вин» агентлиги бош директори Валерий Миронеснунинг билдиришича, россиялик мутахассислар вино маҳсулотларини текширувдан ўтказганларидан сўнг экспортнинг қайта тикланишига рухсат берилган. Эндиликда экспортга мўлжалланган вино маҳсулотларига давлат томонидан кафолатланган махсус савдо ёрлиғи ёпиштирилади. Айни пайтда мамлакатдаги саккиз компания мазкур ёрлиқни олиш учун буюртма берган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

---

***Республикамиз банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида банкларнинг активи ва капитали кўпаймоқда, мижозларнинг биринчи талаби бўйича депозитлардан маблағларнинг ўз вақтида берилиши эса уларнинг ишончи янада ортишига замин яратмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида давлат-тижорат Халқ банкида эришилган кўрсаткичлар шундан далолат бераётир.***

*Халқ банки:*

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ – БОШ МЕЗОН

**Х**усусан, бу банк капитали йил бошидагига нисбатан қарийб 3,0 млрд. сўмга кўпайди. Банк активлари эса, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 310 млрд. сўмга етказилди.

Миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш ва нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида банк филиалларида олиб борилаётган тадбирлар натижаси ҳам диққатга сазовор. Жумладан, ўтган даврда банк кассаларига 750 млрд. сўм нақд пул жалб қилиниб, аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 50 фоизлик ўсишга эришилди. Нақд пул тушумининг 50 фоиздан ортиғи савдо ва коммунал тўловлар бўйича тушумлар улушига тўғри келди.

Шунингдек, банк депозитларига аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, омонатчилар учун манфаатли бўлган 15 дан ортиқ янги омонат турлари амалиётга жорий этилди. Бугунги кунда эса Халқ банкининг «Пахтакор», «Мададкор», «Шодлик», «Афзал», «Фаровон ҳаёт» ва «Ёш оила» каби омонат турларига аҳолининг қизиқиши тобора ортмоқда. Омонатчиларга яратилган имконият ва қулайликлар туфайли қисқа вақт ичида 31 млрд. сўмдан ортиқ бўш пул маблағлари банк депозитларига киритилди. Пировардида аҳолининг банк бўлимларидаги депозит маблағлари миқдори йил бошидагига нисбатан 1,5 баробар ошди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш мақсадида эса жорий йилда қўшимча равишда банкнинг 103 мингдан ортиқ пластик карточкалари эмиссия қилинди. Муомалага киритилган пластик карточкаларнинг 50 фоизидан зиёди иш ҳақи лойиҳаларига йўналтирилган. Жойларда банкнинг 1154 та терминали ўрнатилган бўлиб, уларнинг 80 фоизи савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида мижозларга нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўлланилмоқда.

Банк филиалларининг кредит портфели ҳам йил бошидагига нисбатан қарийб 90 млрд. сўмга ортиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, салкам 150 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Кредитлаш жараёнларида инвестицион лойиҳаларга алоҳида аҳамият қаратилиб, ушбу мақсадлар учун 65 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 17 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса, шундан 4 млрд. сўми микрокредитлар улушига тўғри келди. Ажратилган кредитлар эвазига 12 960 та янги иш ўрни яратилди. Банк филиаллари томонидан ернинг ҳақиқий эгалари бўлган 15 756 та деҳқон ва фермер хўжаликларига 2007 йилда пахта ва ғалла етиштириш учун 73 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди.



Жамоа ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Мисол учун, 3100 та ёш оилага уй-жой шароитларини яхшилаш ҳамда турмуш фаровонликларини янада ошириш ва тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш учун 6 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ҳамда микрокредитлар ажратилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларнинг асосий ижрочиси — айнан давлат-тижорат Халқ банки эканлиги барчамизга маълум. Ҳозирда Халқ банкининг 425 та филиали ва мини банки ҳамда 2500 дан ортиқ шохобчаси орқали давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағлар белгиланган муддатларда етказиб берилмоқда. Аниқроғи, Халқ банки филиаллари томонидан ҳар ойда 100 мингга яқин кам таъминланган оилаларни 1,7 млрд. сўм ёрдам пули, бир миллиондан ортиқ фуқароларни 18 ёшгача бўлган болаларнинг 19,3 млрд.сўм нафақалари, 580 мингдан ортиқ оналарни 2 ёшгача бўлган болаларнинг 13,1 млрд.сўм нафақалари, 70 мингга яқин кексаларни 7,2 млрд. сўм пенсиялари билан бееминнат таъминламоқда.

Бунда, айниқса, банк филиаллари жойларда маҳаллий ҳокимликлар, Марказий банк, қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла қўмиталари билан келишилган ҳолда, аниқ графиклар асосида "Сайёр кассалар" ташкил этгани ҳаммага маъқул бўлмоқда. Амалга оширилган ана шу саъй-ҳаракатлар аҳоли, айниқса, бола парвариши ва уй ишлари билан банд оналарга қимматли вақтларини тежаш ва ортиқча йўл харажатларини қисқартириш имконини бераётир.

Халқ банки жамоаси келгусида ҳам мижозлар ишончини оқлаш, нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган тадбирларни изчил амалга оширишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

**Халқ банки матбуот хизмати.**

---




## Шарқ хурмоси

***Хурмонинг 100 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, юртимизда унинг Шарқ хурмоси нави парваришланади. Меваси шифобахшлиги туфайли халқ табобатида меъда касалликларига тавсия қилинади.***

Шунингдек, у лавша касаллигининг олдини олувчи ва даволовчи табиий восита ҳисобланади.

Хурмо шарбати хафақонликда, камқувватликда, қон босими пасайиб кетганида, юқори нафас йўллари шамоллаганида ва қон қусишда истеъмол қилинса, яхши наф беради.

Хурмо шарбати кўкимтир таёқчалар номи билан юритилувчи, шунингдек, стафилакокларга қирон келтирувчи бактерицидлик хусусиятига эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Шу боис, унинг сархил меваларидан сукдиоскопил номли дори олинган. Замонавий тиббиётда хурмодан ошқозон-ичак хасталиклари, пасодли-фурункулёзли жароҳатларни даволашда фойдаланилади.

Хурмонинг нафақат меваси, балки барглари ва пўстлоқлари ҳам шифобахшдир. Халқ табобатида хурмо баргининг кукуни қон тўхтатувчи, пешоб ҳайдовчи ва қон босимини туширувчи омил сифатида ишлатилади. Пўстлоқларидан тайёрланадиган дамлама эса ичбуруғ, безгак хасталикларида тавсия этилади.

**Маннон НАБИЕВ, доришунос.**

---

Яхши хабар

## Қобилжон топган хазина

Андижон туманидаги Завроқ қишлоғида истиқомат қилувчи Қобилжон Халилов ҳали кўклам сепини ёйиб улгурмай, ўғиллари Ғофуржон билан Тоҳиржонни ёнига олиб, томорқасига редиска уруғини сепади. Бу экин икки қулоқ бўлиши билан эгатларнинг оралиғига карам кўчати ўтқазилади. Редиска юлиб олингач эса, унинг ўрнини бақлажон эгаллайди.

— Томорқадан шу тариқа бир йилда уч марта ҳосил оламан, — дейди Қобилжон. — Бу йилги даромад эса 3 миллион 350 минг сўмдан ошди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



---


BELARUS

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.



Маҳсулот сертификатланган

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел./факс: 281-40-75, 281-40-90, 281-40-33.
Сайт: www.uzkam.com

154Р/183

# «Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**

1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**


---

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

# «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

Нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

**I. РКМБ Андижон вилояти филиали томонидан:**

1. Андижон вилояти Шаҳрихон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 4 декабрь 17-0602-8928-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрихон шаҳар, Якуб кўчаси 4-уйда жойлашган «Шаҳрихонсут» ОАЖда сақланаётган, 1998 йили Германияда ишлаб чиқарилган, винтли, техник ҳолати соз (ишга яроқли, линияга уланган) 3 дона компрессор. *Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 68 295 900 сўм.*

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 8, 15, 22, 29 ноябрь ва 6 декабрь кунлари соат 11.00 да, ушбу мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти филиалидаги МФО: 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Манзил: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй. Тел: 224-37-86, 224-36-88.**

**II. РКМБ Фарғона вилояти филиали томонидан:**

1. Фарғона вилояти Қува тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2002 йил 1 майдаги 15-02-01/812-сонли суд ижро варақасига асосан хатланган, Қува тумани, Намуна қ.ф.й., Мингчинор қишлоғида жойлашган Қува тумани «Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш» МЧЖга тегишли молхона бино ва иншоотлари. *Бошланғич баҳоси – 33 810 470 сўм.*

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 19, 23, 26 октябрь ва 16 ноябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу кўчмас мулк бўйича «Ферганская правда» газетасининг 2007 йил 19 сентябрдаги, «Фарғона ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 22 сентябрь кунги сонларида хабарномалар чоп этилган.

2. Фарғона вилояти Қува тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 18 апрелдаги 15-0602/2107-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Қува шаҳар, Қува м.ф.й., Кайкуббод кўчасида жойлашган «Иброҳимбек» хусусий савдо-саноат корхонасига тегишли пайчилар уйи бино ва иншоотлари. *Бошланғич баҳоси – 46 484 000 сўм.*
3. Фарғона вилояти Ёзёвон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2007 йил 14 июлдаги 06-6057-ижро ҳужжатига асосан хатланган, Ёзёвон шаҳарчаси, Андижон кўчасида жойлашган Ёзёвон тумани «Матлуботсавдо» АЖга тегишли идора бино ва иншоотлари. *Бошланғич баҳоси – 77 785 622 сўм.*
4. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2007 йил 25 январдаги 15-07-03-/20618-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Капчугай қишлоғида жойлашган «Капчугай МТП»га тегишли омборхона, қозонхона, маъмурий бинолардан иборат бино ва иншоотлар. *Бошланғич баҳоси – 151 167 789 сўм.*

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 25, 30 октябрь ва 1, 6, 20, 23 ноябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу кўчмас мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу кўчмас мулк бўйича «Ферганская правда» газетасининг 2007 йил 26 сентябрдаги, «Фарғона ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 24 сентябрь кунги сонларида хабарномалар чоп этилган.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда Халқ банкининг Фарғона вилояти филиалидаги МФО: 00497, ИНН: 200933850, 20210000700571452023 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 35- уй. Тел: 224-68-70, 229-85-90.**

**III. РКМБ Навоий вилояти филиали томонидан:**

1. Суд департаментининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2007 йил 2 апрелдаги 21-07-04/509-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Навоий «МТП» ДАЖга тегишли, 1997 йили ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 38-76 НО бўлган, техник соз «МАГНУМ-8940» русумли трактор. *Бошланғич баҳоси – 40 085 010 сўм.*

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 16 октябрь ва 16 ноябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу техника сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги техника бўйича «Дўстлик байроғи» газетасининг 2007 йил 13 сентябрдаги 52-сонида хабарнома чоп этилган.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ипотека банк» Навоий бўлимидаги МФО: 00205, ИНН: 200933850, 20210000300571452458 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 770-35-90. 224-64-31.**

**IV. РКМБ Хоразм вилояти филиали томонидан:**

1. Хоразм вилояти Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 24 августдаги 22.06.06-4238 н-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 1-уйда жойлашган «Урганч экскаватор» ОТАЖга қарашли, 2004 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 08-18 ХЗ бўлган, «Хтз-150 К-09» русумли трактор. *Бошланғич баҳоси – 35 616 000 сўм.*

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 16, 18, 23, 25, 30 октябрь ва 1, 6, 8, 13, 15, 20, 22, 27, 29 ноябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу техника сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Мазкур техника бўйича «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 15 сентябрдаги 74-сонида хабарнома чоп этилган.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Тинчлик филиалидаги МФО: 00580, ИНН: 200933850, 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Манзил: Хоразм вилояти, Урганч ш., Й. Бобожонов к., 23-уй, (мўлжал: Урганч шаҳар халқ таълими бўлими). Тел: 226-32-63, 226-43-64.**

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.**

**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004**

**Спорт • Sport • Спорт**

***Ўзбекистонлик спортчилар армрестлинг (қўл кураши) бўйича ўтказиладиган қитъа ва жаҳон чемпионатларида ҳамиша совриндорлар сафидан жой олишга ҳаракат қилишади.***

## Ҳамюртларимиз жаҳон чемпиони

Куни кеча Болгарияда якунланган навбатдаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашган юртдошларимиз Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

Дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан келган армрестлинг спорти усталари қатнашган чемпионатда ҳамюртларимиз 4 та олтин, 4 та кумуш ва 5 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида кучли бешликдан жой олишди.

Жумладан, катталар ўртасида Фарид Усмонов (мутлақ вазнда), Умид Аҳмедов (90 кг.), ёшлар ўртасида эса Бобур Бекжонов (80 кг.) ҳамда Шоҳруҳ Нуриддинов (50 кг.) жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар.



**Япония пойтахти Токио шаҳрида каратэнинг шинкиокушинкай кан йўналиши бўйича VIII жаҳон чемпионати бошланди.**

## Японияда кучлилар сараланмоқда

Хабарингиз бор, ушбу йўналиш бўйича жаҳон чемпионати ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказилади. Унда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан саралаб олинган 128 нафар спортчи иштирок этади. Мусобақада икки нафар вакилимиз — Жасур Сафаров ва Мутал Назаров ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги спорт мажмуаси

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият бошлаганига яқинда беш йил тўлади.

Ўтган давр мобайнида жамғарма маблағи ҳисобига мамлакатимизнинг турли бурчакларида, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам ўнлаб замонавий спорт мажмуалари қурилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Куни кеча Жиззах туманидаги 14-мактаб қошида замонавий спорт зали фойдаланишга топширилди. Бу ерда спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланиш учун имконият яратилган.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мусиқа орқали одамлар қалбига зиё олиб кириш бахти камдан-кам кишиларга насиб қилади. Мусиқа инсонийлик билан илоҳийликнинг чегарасида яратилади, мусиқа инсонийлик ва илоҳийликни туташтирувчи кўприкдир, деб ёзган эди Нақшбандия тариқатининг машҳур назариётчиси Махдуми Аъзам.***



*Соғинч*

## ОҲАНГЛАРГА БАХШИДА УМР

Мусиқа инсон қалбини эгаллай олсагина, илоҳий кучга эга бўлади. Қадимий ривоятларда талқин этилишича, Оллоҳ таоло одамни лойдан яратгач, унга жон ато қилиш, яъни одам танасига руҳни киритиш учун роса уриниб-ди, аммо руҳ одамнинг қоронғи ва тор танасига киришни истамабди. Шунда найда нолакор бир куй чалингач, куйининг оҳангидан маст бўлган руҳ беихтиёр одам танасига сингиб кетган экан. Зеро, оромбахш мусиқа инсоннинг руҳиятини поклайди, одамга, том маънода, руҳ бағишлайди.

Муҳаммаджон Мирзаев ана шундай санъаткорлардан бири эди. Бастакор умри давомида миллий чолғу асбоблари орқали жиддий куйлар ижро этиш мумкинлигини исботлаб берди. Бастакор ўз ижодини қашқар рубобида куйлар ижро этишга бағишлади. Рубобчилар ансамблини тузди, қашқар рубобига мослаб куйлар басталади. Дастлаб бутун Ўзбекистонда, сўнг Марказий Осиё ва дунё бўйлаб гастролларда рубоб куйларини тарғиб қилди. Мусиқа ихлосмандлари рубобдан таралаётган куйларга асир бўлишди. Бастакорнинг муваффақиятига унинг илоҳий истеъдоди, қатъияти ва, энг аввало, қалбидаги миллий руҳга садоқат куч-қудрат ҳамда мадад берувчи таянч бўлди.

Муҳаммаджон Мирзаев ўзбек миллий мусиқа услубларига таяниб кўплаб лирик ва рақс куйларини яратган. У басталаган куйларнинг аксарияти Фарғонача ҳамда Тошкентча мусиқа оҳанглари услубига таяниб яратилгандир. Масалан, «Дилдор-1», Дилдор-2», «Баҳор вальси», «Янги тановор», «Тонг маликаси», «Дилдор ўйнасин» каби лирик ва рақс куйлари шу услубий йўналишда яратилган. Шунингдек, бастакор «Меҳнат аҳли», «Кўзларинг», «Суратинг», «Ёр истаб», «Қачон бўлғай», «Якка бу Фарғонадан», «Парвона бўлдим», «Ширмоной», «Олтин сандиқ» каби қўшиқ ва лапарлар учун ҳам қашқар рубобида оҳанглар яратган. Муҳаммаджон Мирзаев басталаган мусиқалар ўзининг ниҳоятда нафислиги, оҳангдорлиги, мазмунан бойлиги ва ёркин миллий руҳи билан ажралиб туради. Бастакор кўпгина концерт дастурларида халқ куйлари («Яллама ёрим»), ўзбек бастакорларининг асарларини ҳам рубобда (Д. Зокировнинг «Кўрмадим», Т. Жалиловнинг «Лирик куйи» ва бошқаларни) маҳорат билан ижро этиб, уларга ўзгача сайқал берган.

Бугун ана шундай улуғ санъаткор орамизда йўқ. Лекин у кишининг хотираси мумтоз куй-қўшиқлар орқали қалбимиз қўридан жой олган. Зеро, мусиқа ва дилтортар наволар ила дилларни забт этган бастакор ёди ўзи яратган оҳанглар янглиғ абадиятга муҳрланиб қолажак!

**Гулруҳ САИДМАҲМУД қизи.**

***Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида Ўзбекистон Урологларининг III съезди бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон урологлари жамияти, Республика ихтисослаштирилган урология маркази ва Европа Урологлари Ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилди.***

## Урологлар анжумани

ТАДБИР

Икки кун давом этган анжуманда юртимиз мутахассислари билан бир қаторда МДҲ ҳамда Германия, Италия, Венгрия, Туркия ва Дания каби ўнлаб давлатлардан келган шифокорлар урология соҳасидаги энг долзарб мавзуларда ўзаро фикр алмашишди. Ушбу тадбир нафақат илмий ва амалий тажриба алмашиш, балки шифокорларнинг малакасини ошириш ҳамда соҳа касалликларини даволаш сифатини янада яхшилаш йўлида ўзига хос туртки бўлиши табиий.

Зеро, жаҳон шифокорларининг Тошкентда бўлиб ўтган мазкур мулоқотларида соҳада эришилган энг сўнгги ютуқлар хусусида қизғин сўз юритилди. Табиийки, улар қўлга киритилаётган бу янгиликларни келажакдаги фаолиятларида кенгроқ татбиқ этадилар.

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲОМИЙЛАР МУРУВВАТИ

***Мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш устувор вазифа саналади. Бундай савобли ишлардан юртимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам четда қолмаяпти.***

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

Бу борада "Меҳр нури" хайрия жамғармаси томонидан олиб борилаётган ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ. Яқинда жамғарма ҳомийлигида пойтахтимиздаги 2-болалар "Мурувват" уйи ҳамда Болалар психоневрологик касалликларини даволаш маркази мукаммал таъмирдан чиқарилди, замонавий мебель жиҳозлари ва турли асбоб-ускуналар келтирилди. Бундай қулайликлардан болажонлар ва хизматчилар беҳад мамнун бўлишди. Айни пайтда Болалар психоневрологик касалликларини даволаш марказида юзга яқин ўғил-қиз даволанади. "Мурувват" уйида эса 400 бола тарбияланади.

Таъкидлаш лозимки, шу кунгача "Меҳр нури" жамғармаси томонидан пойтахтимиздаги 39-оилавий поликлиника, 1-шаҳар сил касалликлари шифохонаси, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти қошидаги Гемофилия ва қон тизими депрессияси маркази ҳамда Шайхонтоҳур туманида жойлашган Ташхис марказини тубдан таъмирлаш ишларига яқиндан ёрдам берилган эди. Бундан ташқари, мазкур лойиҳалар доирасида муассасалар атрофлари кўкаламзорлаштирилди, махсус лабораториялар, ультратовуш ёрдамида текшириш, стоматология ва гинекология хоналари, кундузги даволаш учун ажратилган жойлар таъмирланиб, ишга туширилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги аспирантура ва докторантурага танлов асосида қабул эълон қилади:

**АСПИРАНТУРА**

- 05.07.02 — Учиш аппаратларини лойиҳалаш, уларнинг конструкцияси ва ишлаб чиқарилиши.
- 08.00.13 — Менежмент ва маркетинг.

**ДОКТОРАНТУРА**

- 05.07.02 — Учиш аппаратларини лойиҳалаш, уларнинг конструкцияси ва ишлаб чиқарилиши.
- 08.00.13 — Менежмент ва маркетинг.

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй, институтнинг илмий-тадқиқот сектори (28-хона). Телефон: 136-15-03.**

***Ҳужжатлар эълон чиққан санадан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.***

1445Я/1769

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

***2007-2008 ўқув йили учун аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:***

**17.00.07. — Музейшунослик, бадиий қадриятларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш.**

**17.00.08. — Маданият назарияси ва тарихи.**

**Ҳужжатлар 2007 йил 20 октябргача қабул қилинади.**
**Имтиҳонлар 2007 йил 22 октябрь — 2 ноябрь кунлари ўтказилади.**

***Кириш имтиҳонлари танланган мутахассислик фани, фалсафа ва чет тилидан бўлиб ўтади.***

**Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100000, Тошкент шаҳри, Содиқ Азимов кўчаси, 35-уй, илмий бўлим, 13-хона. Телефонлар: 132-17-65, 132-18-10.**

1477Я/1765

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**2007 йил кундузги бўлим аспирантура ва докторантурага кириш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:**

**АСПИРАНТУРА**

**Кундузги бўлимга:**

| | | |
|---|---|---|
| **07.00.09.** | Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари | — 2 ўрин |
| **08.00.11** | Хорижий мамлакатлар иқтисоди | — 2 ўрин |
| **10.01.06** | Хорижий Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари адабиёти | — 3 ўрин |
| **10.02.22.** | Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия туб халқлари тиллари | — 4 ўрин |
| **23.00.04.** | Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари | — 3 ўрин |

**ДОКТОРАНТУРА**

| | | |
|---|---|---|
| **10.01.06.** | Хорижий Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари адабиёти | — 1 ўрин |

**Ҳужжатлар 20 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси 25, 2-қават, 210-хона.**

**ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР**

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS**




**КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА**

**ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

**ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ** амкодор

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



***Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.***

Маҳсулот сертификатланган

**Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**

155Я/2377


Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви жамоаси архивнинг собиқ директори

**Иркин Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбарияти ташкилот марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қосимжон Мамедовга падари бузруквори

**ПОЗИЛЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 23333 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6